

**PROBLEMS AND SOLUTIONS OF DISTANCE EDUCATION IN PRESCHOOL  
EDUCATIONAL ORGANIZATIONS**

**Nafisa Abdullaeva**

Institute for Retraining of Directors and Specialists of Preschool Educational Organizations  
Docent of Department of Preschool and Music Education

**ABSTRACT**

The article highlights the important aspects of the use of information and communication technologies by educators in distance learning for children in preschool education.

*Keywords: Distance learning, development of preschool education, pandemic*

**INTRODUCTION**

Жахон миқёсида юзага келган пандемия даврида таълим тизимидаги ривожланишдан тўхтаб қолмаслик, узлуксиз таълимнинг барча бўғинларида таълим сифатини таъминлаш, зарур билимларни эгаллаш ва уни амалиётга татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан узлуксиз таълимнинг бош бўғини бўлган мактабгача таълим тизимида ҳам онлайн таълим беришни йўлга қўйиш, мактабгача таълим ташкилотларида олиб бориладиган ўқув тарбиявий жараёнларни онлайн тарзда ташкил этиш муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 16 декабрдаги “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги ЎРҚ-595-сон Қонунида мактабгача таълим ва тарбия — болаларга таълим ва тарбия беришга, уларни интеллектуал, маънавий-ахлоқий, этик, эстетик ва жисмоний жиҳатдан ривожлантиришга, шунингдек болаларни умумий ўрта таълимга тайёрлашга қаратилган узлуксиз таълим тури эканлиги белгилаб қўйилган.<sup>1</sup>Мактабгача таълим тизимидаги ислохатларни амалга оширишда мамлакатдаги вазиятни инобатга олиб масофавий тарзда ўтказиш, ёш авлодга таълим-тарбия бериш жараёнини узилиб қолмаслигини таъминлаш муҳим вазифа саналади. Жахонда руй берган каронавирус авж олган давр юртимизга ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қўймади. Шу даврда мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчилар учун масофавий таълим бериш жараёнини ташкил этиш, мактабгача таълим ташкилотлари педагог ходимларини тизимдаги янгиликлардан хабардор қилиш, таълим-тарбия жараёнини ташкил этишга инновацион ёндашиш учун малака ошириш институтида масофавий таълим беришни йўлга қўйиш долзарб вазифа эканлиги яққол номоён бўлди.

Пандемия шароитида болаларга ақлан ҳам ахлоқан таълим-тарбия бериш жараёнини тўхтатмаслик, уларни уй шароитида ҳам билим олишларини таъминлаш мақсадида мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячилари томонидан онлайн машғулотлар ташкил этилди. Лекин онлайн машғулотларни амалга оширишнинг муаммоли томони шундаки, жуда кўп тарбиячилар ахборат коммуникация ривожланган бир даврда ушбу жараённи амалга ошириш салоҳиятига эга бўлмадилар. Нафакат пандемия шароитида, балки ҳозирги ахборатлаштириш даврида барча таълим тизимида ахборат коммуникация технологияларидан фаол фойдаланиш муҳим ҳисобланади.

**MAIN PART**

Республикамызда мактабгача таълим-тарбия жараёнига болаларни ҳар томонлама интеллектуал, маънавий-ахлоқий ва жисмоний ривожлантиришни таъминлайдиган замонавий таълим дастурлари, илғор ахборот ва педагогика технологияларини жорий этиш, уларни мактабга тайёрлаш

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 16 декабрдаги “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги ЎРҚ-595-сон Қонуни

даражасини ошириш, мактабгача таълимни бошқаришнинг замонавий стандартларини яратиш мактабгача таълим тизимининг асосий вазифаси ҳисобланади<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 июндаги 487-сон “Мактабгача таълим тизимига илғор ахборот ва педагогика технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида бошқарувнинг замонавий стандартларини ишлаб чиқиш ва мактабгача таълим соҳасига жорий этиш, таълим-тарбия жараёнига илғор ахборот ва педагогика технологияларини жорий этиш, Мактабгача таълимни бошқариш ахборот тизимнинг тегишли равишда ишлашини таъминлаш, мактабгача ёшдаги болаларни эрта ривожлантириш соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказиш, ахборот хавфсизлигининг тегишли даражасини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги тизимида ягона ахборот маконини шакллантириш, мактабгача таълим соҳасида инновацион лойиҳаларни амалга оширишни самарали ташкил этиш мақсадида тадбиркорлик субъектлари, стартап-лойиҳалар ташаббускорлари, олимлар, молия институтлари ва бошқа манфаатдор шахслар ўртасида ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш учун зарур ташкилий-техник ва молиявий-иктисодий шарт-шароитлар яратиш, таълим-тарбия жараёни доирасида фойдаланиш учун ўқув-методик материалларни, мультимедиа контентини, мактабгача таълим тизими ташкилотларининг педагоглари ва раҳбарларини ўқитиш ҳамда турли телекоммуникация каналлари орқали тарқатиш мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш, мактабгача таълим тизими ходимларининг инновацион ахборот-коммуникация ва педагогика технологиялари соҳасидаги билим ва малакасини ошириш, инновацион таълим муҳитини ташкил этиш, истиқболли йўналишларни белгилаб олиш ва мактабгача таълим тизимини, шу жумладан таълим соҳасида илмий ва амалий тадқиқотлар ташкил этиш ҳамда ўтказиш орқали ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини белгилаш ва янада такомиллаштиришга доир тақлифлар ишлаб чиқиш, мактабгача таълим сифатини баҳолаш усулларини ва мактабгача таълим ташкилотларини моддий-техник жиҳозлаш ҳолатини миллий устуворликларни инобатга олган ҳолда, асосан халқаро эътироф этилган рейтинг агентликлари индикаторлари бўйича баҳолаш усулларини такомиллаштириш масалалари ҳал этиш йўллари белгиланган.

Вазирлар Маҳкамасининг 487-сон “Мактабгача таълим тизимига илғор ахборот ва педагогика технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида белгиланган устувор вазифаларни мактабгача таълим ташкилотларида педагог ходимлар билан амалга оширишда, уларни ахборот коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишга ўргатишда авваламбор, уларда касбий компетентликни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Касбий компетентлик таркибида медиа компетентлик ҳам ўз аксини топиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги Қонунида педагогнинг касбий стандарти — мактабгача таълим ташкилоти педагогининг шахсий касбий сифатларига, билимларига, маҳорати ва кўникмаларига доир асосий талаблар мажмуи деб белгилаб қўйилган. Юқоридагидан келиб чиққан ҳолда, Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси Давлат талаблари асосида ҳар бир болага индивидуал ёндашадиган, “Илқ қадам” мактабгача таълим муассасасининг давлат ўқув дастури асосида ўқув тарбиявий жараёни ташкил эта оладиган, ваколати нуқтаи назардан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар билан ишлай оладиган, муомала маданиятига эга,

---

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 июндаги 487-сон “Мактабгача таълим тизимига илғор ахборот ва педагогика технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

рахбар-ходим муносабатларига амал қиладиган, ўз устида ишлаб билимларини мустаҳкамлаб борадиган ва албатта болаларни севадиган, уларга таълим-тарбия беришдан завқланадиган, ёш авлодни ахборот жамиятида ҳаётга тайёрлайдиган шахс бўлиши керак.Тарбиячининг медиакомпетентлиги муҳим саналиб, унинг таркибий компонентининг кўрсаткичлари куйидагилардан иборат:

-медиа технологиялар моҳиятини, уларнинг жамиятдаги аҳамияти ва ўрнини билиш;

-медиа таълимнинг роли ва аҳамиятини англаш;

-медиа воситаларнинг таълим ва тарбиявий имкониятларини билиш;

-медиа воситаларидан фойдаланган ҳолда ўқув машғулотлари ва тарбиявий тадбирларни қуриш усулларини билиш;

-тарбиячининг касбий фаолиятида медиа воситалардан фойдаланишнинг педагогик мақсадга мувофиқлигини билиш;

- медиа-таълимнинг асосий тушунчалари ва атамаларини билиш.

## CONCLUSION

Ушбу муаммоли вазиятни ечимини топиш, ҳозирги замон талабига жавоб берадиган тарбиячиларни тайёрлаш, уларни интернетдан фаол фойладана оладиган, билимларини кенгайтириш учун онлайн малака ошириш курсларда иштирок эта оладиган, олган билимларини амалиётга жорий эта оладиган даражага етказиш муҳим. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларини медиа компетентлиги ривожлантириш учун ҳар бир туман ҳудудида юқори даража ахборат коммуниция технологиялари бўйича билимга эга мутахассисларни жалб қилиб 36-72 соатлик сайёр малака ошириш курсларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Ахборат коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш тарбиячиларга иш фаолиятларида вақтни унумли сарф қилишга, тизимдаги янгиликлардан хабардор бўлишга, таълим-тарбия бериш жараёнини инновацион ёндашган ташкил этишга имконият яратади.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 июндаги 487-сон “Мактабгача таълим тизимига илғор ахборот ва педагогика технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори
2. Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисидаги қонун– Т.: 2019
3. “Мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандартини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-802-сон қарори. Т.: 2020 й.
4. Н.Ш.Абдуллаева “Келажак сари илк таълим билан” вариатив дастури, Тошкент, 2020 й